

**O'ZBEKISTON RESPUBLIRASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NIZOMIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**



РЕФЕРАТ

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ РАОЛИЯТИГА

Тарих факультети

201-гуруҳ талабаси

Салаев Ихтиёр

Жалолиддин Мангуберди фаолиятига

Илм-маърифатнинг энг қадимги ўчоқларидан бўлган кўҳна ва ҳамиша навқирон Хоразм воҳаси юксак маъданият марказларидан бири ҳисобланади. Ўз даврининг машҳур ўғлони, ўзининг ҳайратомуз жасорати, метиндек иродаси билан дунёни лол қолдирган Жалолиддин Мангуберди, ўзбек халқининг миллий қаҳрамони, ифтихоридир.

Жалолиддин Мангубердининг тарих олдидаги хизмати шундан иборатки, у она-юрти ва жафокаш халқини мўғул истилочиларнинг қонли исканжасидан ҳалос этиш йўлида ватанпарварликнинг юксак намунасини кўрсатган.

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўплаб асарлар яратилган. У ҳақдаги XIII асрдан то ҳозиргача яратилган асарлар сони салкам 500 жилдга яқин китобни ташкил этади¹. Шуларни орасида энг ишончли, асосий тарихий манба Шихобиддин Муҳаммад ан-Насафийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти” (“Сират ас-султон Жалолиддин Манкбурни”) асаридир. Асар муаллифи ан-Насафий Жалолиддиннинг муншийси, шахсий котиби бўлган. Асарда 1218 йилдан 1231 йилгача бўлган воқеалар, Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад ва Жалолиддин Мангуберди фаолиятлари, Чингизхон босқини дахшатлари ҳаққоний тасвирланган. Бу асар араб тилида бўлиб, 1241-1249 йилларда ёзилган. Асарнинг иккита тўлиқ бўлмаган қўлёзмаси бугунги кунгача етиб келган. Улардан бири – 1260 йилда ёзилган қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонасида, иккинчиси Британия музейида сақланади². Асар 1998-йилда Сотим Аваз таржимаси билан 51 бобдан иборат тўлиқ бўлмаган таржимаси нашрдан чиқарилди. 2000-йилда Комил Матёкубов таржимаси билан тўлиқ бўлган нусҳаси нашрдан чиқарилган. Асар ўзбек халқи маънавиятида юксак

¹ Шихобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999, 6-б.

² Ўша асар, 8-б

ўрин эгаллайди. Ғарб олимлари томонидан бу асарнинг кенг ўрганилганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Дастлаб асар XIX аср ўрталарида К.Д'Оссон томонидан ўрганилган ва Амстердамда чоп этилган. Кейинчалик шарқшунос олим Октав Удас бу асарни француз тилига таржима қилади ва нашрдан чиқаради. Асар 1914-1916 йилларда Ю.Зиё ва А.Тавҳидлар томонидан турк тилига, 1953-йилда Хофиз Аҳмад Ҳамдий томонидан араб тилига, 1973-йилда Озарбайжонлик тарихчи, шарқшунос олим Зиё Бунёдов томонидан рус тилига ўгирилган.

Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятини ёритилган яна бир манба Жалолиддиннинг котиби, муншийси бўлган Нуриддин Зайдарийнинг форс тилидаги “Нафсат ал-масдур” (“Нафсат ал-масдур фи футур заман ас-судур ва заман ас-судур ал-футур”) асарида хитойлик тарихчилар Елюй Чу-Цай ва Сун Цзи-чжень асарларида ҳам Жалолиддиннинг мардлиги, қаҳрамонлиги эътироф этилган.

Шунингдек, Жалолиддиннинг фаолияти ҳақида Иззиддин ибн ал-Асирнинг ўн икки жилддан иборат “ал-Комил фит-тарих” (“Мукаммал тарих”) асарида маълумотлар учрайди. Асарда Хоразмшоҳлар давлати фаолиятига алоҳида ўрин берилган. Шихобиддин ан-Насавий бу асарга баҳо бериб шундай дейди: “У асарида баъзи ўринларда ҳақиқатдан бир оз чекинган бўлса-да, энг муҳим ва асосий воқеалардан бирортасини эътибордан четда қолдирмаган”.

Ғарб тарихшунослари ҳам Жалолиддин Мангуберди тўғрисида кўплаб асарлар ёзиб қолдирганлар. Бу асарлар сирасига В.Розеннинг “Ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Манкбурнининг ҳаёти тафсилоти” асарига сўз”, И.Қафасўғлининг “Хоразмшоҳлар давлати тарихи”, О.Танерининг “Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг замони”, С.Босвортнинг “Тарих”, В.Бартолднинг “Туркистон мўғул босқини даврида”, Зиё Бунёдовнинг “Ануштегинлар-Хоразмшоҳлар давлати” асарларини киритишимиз мумкин.

Истиқлолимиз шарофати билан миллий ва маънавий меросимиз қайта тикланди. Буюк аجدодларимизнинг таваллуд саналарига оид кенг тадбирлар ўтказилмоқда. 1999-йилда Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан Жалолиддин таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Унга юртимизда ҳайкал ўрнатилди. Кўча ва майдонларга номи берилди. Жалолиддин Мангуберди номи билан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси бўлган 25 сўмлик танга пуллар муомалага киритилди. Мамлакатимизнинг олий ҳарбий мукофотларидан бири – “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди. Бу орденга Ватанимиз ор-номуси, озодлиги, ва мустақиллигини ҳимоя қиладиган, шу йўлда жонини ҳам аямайдиган мард ўғлонлар сазовор бўладилар.

Марказий Осиё ўрта асрлари тарихида Хоразмшоҳлар давлати катта ўрин тутган. XI-XIII асрлар Хоразмшоҳлар давлатининг юксалган даври ҳисобланади. Айниқса, Ануштагинлар сулоласи унинг номини жаҳонга таратди. Аловиддин Такаш даврида Хоразмшоҳлар давлати дунёнинг етакчи ва қудратли салтанатига айланди. Такашнинг ўғли Аловиддин Муҳаммад бўлиб, 1199-йилда ундан ўғил фарзанд дунёга келади. Унга Жалолиддин деб ном қўядилар. Бўлажак шаҳзоданинг комил инсон бўлиб улғайиши учун унга тоғаси Жаҳон Полвон оталиқ қилиб тайинланади. Унга диний илмлар, адабиёт, санъат, қурол ва қуролсиз кураш усулларига доир сабоқлар ўргатиларди. Валийлар валийси Шайх Нажмиддин Кубро ҳам Жалолиддинга Кубравия тариқатидан таълим берарди. Ўз даврининг мислсиз саркардаси ва ҳарб илмининг чуқур билимдонлари Темур Малик ва Аминулмулклар Жалолиддинга ҳарб илмидан сабоқ бердилар. Темур Малик шоҳнинг шахсий ботирлиги барчага ибрат бўлиши ғалабани қўлга киритишнинг асосий омилларидан бири эканини Жалолиддинга уқтирди. 1200-йилнинг 3-августиди тахтга Султон Алоуддин Муҳаммад ўтиради ва Хоразмшоҳ номини олади. Унинг ҳукмронлиги даврида Озарбайжон, Эрон, Хуросондан Ҳиндистонгача бўлган ерлар Хоразмшоҳлар давлати таркибига киритилган эди. Жалолиддин йигит ёши етгач отаси билан жангларда қатнаша бошлади.

Худди шу даврда Шарқда бошқа бир ҳарбий-сиёсий куч “XIII-аср вабоси” номи билан машҳур бўлган мўғуллар куч-қудратга тўлиб бораётганди. XIII-асрнинг ўнинчи йиллари охирида Шарқда икки йирик куч-Хоразмшоҳлар ва Чингизийлар тўқнашиши табиий ҳол эди. Бу тўқнашувнинг бўлиши Султон Муҳаммадга ҳам, Чингизхонга ҳам аён бўлиб, бу икки ҳукмдорнинг куч-қудрати бир бириникидан кам эмас эди. Хоразмшоҳлар давлатида мўғуллар босқини арафасида мамлакатда иккита пойтахт бўлиб, булар Гурганж ва Самарқанд эди. Мамлакатда икки ҳукмдор Туркон Хотун ва Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг қўшхокимияти ҳам мағлубиятнинг асосий сабабларидан бири эди. Темур Малик, Жалолиддин Мангубердиларнинг қилган мардонавор жангларига қарамай, Султон Муҳаммад йўл қўйган бир қанча хатолар натижасида урушда ютқазилади. Жалолиддин Мангуберди ўзининг довураклиги, чакқонлиги, шиддатлилиги билан бир неча жанглarda мўғулларни саросимага солиб қўяди. Унинг бу фазилатлари айниқса Парвон, Синд, Исфаҳон жангларида яққол намоён бўлди. Султон Алоуддин Муҳаммаднинг тўнғич ўғли бўлган Жалолиддин Мангуберди бу даврда Ғазна шаҳрининг ҳокими эди. “Тарихи жаҳонкушо” муаллифи Жалолиддинни тарифлаб: “У паст бўйли, қорамтил киши бўлиб, азамат бир шердек эди. У оғир табиатли, камгап, қаттиқ кулмас фақат табассум билан кифояланарди” - деб ёзади³.

1220-йилда Хоразм мўғуллар томонидан истило қилинган, Султон Алоуддин Хазар денгизидаги Абискин оролига қочишга мажбур бўлади. Шу ерда у Жалолиддинни валиаҳд қилиб тайинлайди ва жон таслим қилади. Жалоладдин қасос ўтида ёниб, Урганч сари йўл олади. Урганч остонасида унга Темур Малик келиб қўшилади ва улар Хуросон тарафга от қўядилар.

Жалолиддиннинг жасурлиги, мардлигига тан бермасдан илож йўқ. 1221-йилнинг кўкламида Ғурбанд ва Панжшир дарёларининг қўшилиш жойида жойлашган Парвон даштида Жалолиддин ўзининг тўқсон минг

³ Турғун Файзиев. Султон Жалолиддин Муҳаммад бин Ховандшоҳ Мирхонд талқинида. “Жалолиддин Мангуберди-ватан, юрт ҳимоячиси” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Урганч. Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти. 1999йил 22 октябрь 112-бет.

кишилик кўшини билан мўғулларга қарши чиқади. Чингизхон Хоразмшоҳни батамом синдириш ва мағлуб этиш мақсадида ишонган ёвуз лашкарбошиси ўз иниси-Шики Хутуту нуён бошчилигидаги 45000 кишилик катта кўшинни юборади. Жангда Жалолиддин кўшинининг ўнг қанотига Амин ул-Мулк, чап қанотига Сайфуддин Иғроқ кўмондонлик қилади. Икки кун давом этган аёвсиз жангда Жалолиддиннинг кўшинлари душманни қуршаб олади ва битта кўймай кириб ташлайди. Бу “енгилмас” деб ном чиқарган мўғулларнинг биринчи мағлубияти эди. Парвон даштидаги жангдан кейин Жалолиддин кўшини қўлига катта ўлжа тушади. Ўлжа тақсимлаш вақтида Амин ул-Мулк билан Сайфуддин Иқроқ ўртасида жанжал чиқади. Сайфуддин Иқроқ ўз қисмлари билан Султондан ажралиб кетиши натижасида, Жалолиддиннинг кучи анча заифлашади. Чингизхон барча кўшин бошлиқларини бир жойга тўплаб тангридан ёрдам сўраб турган бир пайтда элчилардан бири Жалолиддинни номасини келтиради. Номада фақат еттигина сўз: “Урушадиган ерни кўрсат. Ўша ерда тайёр тураман!” сўзларини ўқиб Чингизхон янада жазавага тушади. Чингизхон ўзига муносиб рақибни энди топганини аллақачон тушуниб етган эди. 1221-йилнинг 9-декабрида Чингизхоннинг шахсан ўзи Жалолиддинга қарши йўлга чиқади.

Жалолиддин куч-қувват йиғиб олиш мақсадида Синд дарёси қирғоқлари томон юриш қилди. Султон бу ерда кемалар ясаб, дарё бўйига келтириб кўяди. Ярим тунда мўғуллар хужуми бошланади. Чингизхон Жалолиддинни тириклайин тутишни буюради. Кўшиннинг ўнг қанотига Чингизхоннинг ўзи, чап қанотга Ўқар Қалжав ва Қутур Қалжавлар кўмондонлик қилади. Жалолиддиннинг кўшини кам эди. Жалолиддин ўнг қанотга Амин ул-Мулкни кўяди. У жангда ҳалок бўлади. Оила аъзоларини мўғул йиртқичлари томонидан хўрланишини истамаган Жалолиддин онаси Ойчечанни, хотинини, ўғлини ва қизларини дарёга чўктиради. Жалолиддиннинг ўзи ҳам уларнинг орқасидан дарёга сакрайди. От қирғоққа қараб сузаркан, от устида Жалолиддин бир қўлида қалқон, бир қўлида Хоразмшоҳлар давлатининг байроғини кўтарган ҳолда сузиб борарди. Бун

кўриб турган Чингизхон хайрат ичида: “Ўғлинг бўлса шундай бўлсин-да. Мен тўрт ўғлимни Хоразмшоҳга алишмоққа тайёр эдим” – дейди. Ан-Насавийнинг унга “Шерлар шери” деб таъриф бергани бежиз эмас.

1222-йилда Чингизхон Жалолиддиннинг изидан ўзининг Турбей Тўқшин исмли саркардасини юборади. Йигирма минг кишилиқ кўшин Султонни тополмай қайтиб келади. Жалолиддин уч йилча Ҳиндистонда бўлади. 1224-йилда у ерга ноиб қилиб Жаҳон Полвонни тайинлайди. Ўзи эса Кирмон ва Шерозни эгаллайди. 1225-йилда Боғдод, Озарбайжон, Табриз ва Тифлис каби шаҳарларни эгаллайди.”1226- йилда Жалолиддин Гуржистонни ҳам ўз салтанатига қўшиб олади ва ўз мавқеини мустаҳкамлаб, танга зарб қилдиради. Тангани бир томонида “Улуғ Султон” ёзуви битилган эди. Ўртасида эса “Бу дирҳам олти юз йигирма учинчи йилда зарб қилинган” деган ёзув бор эди. Яна бир томонига “Жалод-ад-дунё ва ад-дин” ёзуви битилган. Гир атрофига “Оллоҳ унинг улуғворлигини оширсин” сўзлари ўйиб ёзилди.”⁴ 1227-йилда Ироқ, 1229-йилда Ҳилат шаҳарлари қўлга олинди. Чингизхон вафотидан кейин 1228-1230 йилларда ҳам Жалолиддин бир неча марта мўғуллар билан тўқнашиб, улар устидан ғалаба қозонган.

1231-йилда Жалолиддин кам сонли қўшини билан Курдистон тоғларига чиқиб кетади. 1231-йилнинг 19 августида бир курд, Султон Жалолиддин амри билан ўлдирилган акасининг хуни учун, уни найза санчиб ўлдиради. Шарқни ларзага солган буюк баҳодир, довюрак халоскор Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ не-не жанглардан омон қолиб, бир банги қўлида жон берди. Жалолиддиннинг рақибларидан бири Шихабиддин Ғозий бу фожиани эшитиб, Жалолиддин шаҳид бўлган қишлоқ эркакларини қиличдан ўтказиш, ҳамда ўша қишлоқни бутунлай ёқиб юборишга амр этди. Жалолиддин фожеасини эшитиб, Шарқ титради.

Асрларга татиган мусибатнинг қора кўланкаси ичида бир олтин қилич ярқираб турибди. Бу Жалолиддиннинг қиличи, Ватан ўғлонининг қиличидир.

⁴ Рўзимат Ёкубов. Жалолиддин Мангуберди. Хоразм вилояти матбуот бошқармасининг “Хоразм” таҳририят-нашр бўлими. Урганч 1993й 52-б.

Жалолиддин Ватанни ҳимоя қилишда мардликнинг олий намунасини кўрсатди. Шунинг учун унинг сиймоси тарихда муҳрланиб қолиш билан бирга, миллатимизнинг фахрига айланган.